

Маскан отларининг нутқий воқеланиши

ВПКҚТМОИ “Тил ва адабиёт таълими”

кафедраси мудири ф.ф.н. З.Ўроқова

Лексик бирликларнинг нутқий воқеланишида, умуман, лисоний сатҳ бирликларининг нутқий реаллашувидаги умумлисоний қонуниятлар билан бирга, лексик сатҳга хос оралиқ ва маскан отлари луғавий-маъновий гуруҳига хос хусусий жиҳатлар амал қилади.

Маълумки, лексик бирликларнинг нутқий воқеланишида морфологик, синтактик ва услубий омиллар ҳамкорлик қилиши тегишли тадқиқотларда айтиб ўтилган. Б.Менглиев таъкидлаганидек, ушбу нутқий қўлланилишда ҳамкор сатҳларнинг ҳиссасини учбурчак бурчакларининг мазкур фигурадаги ҳиссасига қиёслаш мумкин. Бунда бурчаклардан бирининг кенгайиши қолган бурчакларнинг торайишига олиб келади. Шунингдек, лексик бирлик нутқда воқеланар экан, агар у полисемантик бўлса, унинг семемаларини, агар бир семемали бўлса, оралиқ маъноларини фарқлаш ва нутқда олиб чиқишда гоҳ синтактик омил кучайиб, бунда бошқа – морфологик ва услубий омиллар сусаяди. Бироқ уларнинг барчаси бир бутунлик сифатида лексик бирликнинг нутқий воқеланишини юзага чиқаради.

Қуйида баъзи маскан отлари лексемаларининг нутқий воқеланишини сатҳлар ҳамкорлиги мисолида кўриб ўтамыз.

ЎТИЛда уй лексемасининг 5 та семемаси, яъни лексикографик маъноси фарқланган:

“УЙ 1. Яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино.

2. Яшаш учун мўлжалланган бино ичидаги ҳар бир хона.

3. Бирор ижтимоий талабни қондиришга қаратилган муассаса.

4. Оила, хонадон.

5. Бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер, ҳовли” (ЎТИЛ, II, 268-бет).

Лексема маъноларидан 4 тасида унинг "маскан" семаси юзага чиққан бўлиб, унинг 4 – маъноси ("оила, хонадон") бундан мустаснодир. Демак, уй лексемасининг маскан отлари тизимига кирувчи бирлик сифатидаги таҳлилида унинг мазкур 4 маъноси асосида иш кўрамиз.

Лексема маъноларини фарқлашда унинг, аввало, от туркумига мансуб луғавий шакл ҳосил қилувчи морфемалар: сон, кичрайтириш-эркалаш шаклларига муносабатини кузатамиз.

Кичрайтириш луғавий шаклига муносабатда маънолар орасидаги фарқлар кўзга ташланади. Хусусан, лексема 1 – "яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино, бино ичидаги ҳар бир хона" маъноларида кичрайтириш шаклини эркин қабул қилади. Масалан: *уй – уйча* каби. Бироқ 5 – "маскан" семали лексикографик маъносида (бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер; ҳовли) *уй* лексемаси кичрайтириш луғавий шакли билан бирика олмайди. Масалан, *Қизлик уйга қирқ от бойланар* гапидаги *уй* сўзининг *кичик уй* тушунчасини ифодалаш имкони чекланган.

Кўринадикки, "маскан" семали тўрт лексикографик маъно кичрайтириш шаклига муносабатда фарқланиб, икки гуруҳга ажралади. Кучли морфологик омил кучсиз синтактик ва услубий омилларни маълум даражада чеклаб кўяди.

Модомики, 1 – , 2 – маънолар нутқий воқеаланишида морфологик омил таъсирига бефарқ экан, бунда синтактик ва услубий омиллар кучайиши маълум бўлади.

1-лексикографик маъно *яшамоқ, ишламоқ, ўқимоқ, даволанмоқ* феъллари билан эркин бирикади. 2-лексикографик маъносида фақат *яшамоқ* (унинг вариантлари ва маънодошлари ҳам назарда тутилмоқда) лексемаси билан нутқий бирикувчанлик ҳосил қилади. Демак, бунда бирикувчиларига муносабат нуқтаи назаридан иккала маъно орасида нотўлиқ зиддият кузатилади. Бу хусусий зиддиятда зиддият белгиси "яшамоқ" лексемасига бирикиш бўлиб, 1-маъно бошқа лексемалар билан ҳам бирикувчанлик ҳосил

кила олганлиги сабабли зиддиятнинг мажхул, 2-маъно эса фақат яшаш маскани бўлганлиги сабабли кучли аъзоси сифатида юзага чиқади.

Лексема 3-ва 5-маънолари асосида от луғавий шакллари билан бирика олганлиги сабабли, бу омил улар орасида фарқловчи аҳамият касб этмайди. Демак, бу маъноларда ҳам ё синтактик ёки услубий омил етакчилик қилади.

Лексема 3-маъносида ҳар доим ажралмас бирикма ёки бирикмали қўшма сўзлар таркибида келади: *Болалар уйи, дам олиш уйи, маданият уйи* каби. Демак, бунда лексема вариантининг қўшма сўз таркибида келиши кузатилиб, лексема маъноси қўшма лексема семемаси семасига айланган. Бошқача айтганда, *болалар уйи* каби бирикувлар бугунги кунда синтактик ҳодисанинг лексикализациялашуви натижасида юзага келган қўшма лексема сифатида қаралиши зарур. Зеро, бу қўшма лексемаларнинг бир тушунчани ифодалашга ихтисослашганлиги, бир урғули ҳолатга интилишнинг контакт (зич) алоқадорлиги шундай ҳукм чиқаришга олиб келади.

Айтилганлардан маълум бўладики, *уй* лексемасининг семемаси бўлиб, 5 жилдли ЎТИЛда берилган лексикографик маънолардан 3-сида семеманинг семалашуви кузатилади ва бунда *уй* лексемасини эмас, балки *болалар уйи, маданият уйи* каби қўшма маскан отлари лексемаларини ажратишга тўла асос бор.

Таҳлилимизда эса 1- ва 2-лексикографик маъноларгина *уй* лексемасининг "маскан" семасини ўзида акс эттирган. Бу лексикографик маъноларнинг фарқланиши ва нутқий воқеаланишида синтактик омил устувор аҳамият касб этган бўлиб, морфологик ва услубий омиллар сезиларли даражада сусайган – фарқловчилик қийматини йўқотган.

Айтилганлар семеманинг воқеланиши ва фарқланишида синтактик омилнинг кучайиши морфологик омилнинг кучсизланишига олиб келганлигини кўрсатмоқда.